

Шоғдаров Дониёр Дилшод ўғли
“ТИҚХММИ” МТУнинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЛАЛМИ ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг табиий географик ҳолати ва ер фонди ва унда энг асосий ўринда турадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларниң ер турлари бўйича тақсимланиши ҳамда Республика миқёсида лалми ерлар ҳолатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ер фонди, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, ўрмон фондиди, аҳоли пунктлар, сув фонди.

Аннотация: В данной статье анализируется природно-географическое положение и земельный фонд Узбекистана и распределение земель сельскохозяйственного назначения, занимающих в нем основное место, по типам земель, а также положение засушливых земель в масштабах республики.

Ключевые слова: Земельный фонд, промышленность, транспорт, связь, оборона, лесной фонд, населенные пункты, водный фонд.

Abstract: This article analyzes the natural geographical situation and land fund of Uzbekistan and the distribution of agricultural land, which occupies the main place in it, by land types, as well as the situation of dry land on the scale of the Republic.

Key words: Land fund, industry, transport, communications, defense, forest fund, settlements, water fund.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2021 йил 1 январь ҳолатига 44 892,4 минг га, шу жумладан сугориладиган ерлар 4 336,6 минг га ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди шарқдан ғарбгача 1 425 км, шимолдан жанубгача эса 930 км ташкил этади. Республика беш мамлакат билан шимолда ва шимолий-шарқда Қозогистон, шарқда ва жанубий-шарқда Қирғизистон ва Тожикистон, ғарбда Туркманистон, жанубда эса Афғонистон билан чегарадошдир. Давлат чегарасининг Афғонистон билан узунлиги – 137 км, Қозогистон – 2 203 км, Қирғизистон – 1 099 км, Тожикистон - 1 161 км ва Туркманистон билан – 1 621 км⁵.


Ҳозирги даврда мамлакатимиз миқёсида 24057,1 минг гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўлиб, шундан сугориладиган ерлар майдони 4 336,6 минг гектар, сугорилмайдиган лалми ерлар майдони эса 770,8 минг гектарни ташкил қиласди. Бу эса сугориладиган ҳамда лалми ерлардан самаралий фойдаланиш, ва доимий назоратни ташкил этишни тақазо этмоқда.

Республикамида ер фондидан фойдаланишни бошқариш ва назорат қилиш, ер муносабатларини такомиллаштириш, умуман давлатимизнинг ергаоид сиёсатини амалга ошириш ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 8-моддасига асосан ер фонди қўйидаги тоифаларга бўлинади.

- 1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Ўзбекистон Республикаси ер фондининг асосий тоифаси ҳисобланади ва ушбу тоифанинг жами майдони 20 761,6 минг га ёки Республика умумий майдонининг 46,2% ташкил этади.
- 2) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар сугориладиган ва сугорилмайдиган (лалмикор) ерларга, шунингдек, ҳайдаладиган экин ерлар, бўз ерлар, пичанзорлар, яйловлар, мевали дараҳтлар ва узумзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;
- 3) аҳоли пунктларининг ерлари – шаҳарлар ва шаҳарчалар, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар (ушбу тоифанинг жами майдони 223,4 минг га ёки Республика умумий майдонининг 0,5%ини ташкил этади);
- 4) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар (ушбу тоифанинг жами майдони 867,4 минг га ёки Республика умумий майдонининг 1,9% ташкил этади);
- 5) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар – муҳофаза этиладиган табиий худудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (ушбу тоифанинг жами майдони 731,7 минг га ёки Республика умумий майдонининг 1,6% ташкил этади);
- 6) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – моддий маданий мерос обьектлари жойлашган ерлар (ушбу тоифанинг жами майдони 14,6 минг га ёки Республика умумий майдонининг 0,03% ташкил этади);
- 7) ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар (ушбу тоифанинг жами майдони 12 020,8 минг га ёки Республика умумий майдонининг 26,7% ташкил этади);
- 8) сув фонди ерлари – сув обьектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув обьектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган ерлар (ушбу тоифанинг жами майдони 835,2 минг га ёки Республика умумий майдонининг 1,8% ташкил этади);
- 9) захира ерлар – юқорида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган барча ерлар (ушбу тоифанинг жами майдони 9 437,7 минг га ёки Республика умумий майдонининг 21,0% ташкил этади).

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер турлари бўйича тақсимланишини кўриб чиқадиган бўлсак, экин ерлар 3 млн. 998 минг 500 гектарни, кўп йиллик дараҳтзорлар 388 минг гектарни, бўз ерлар 78 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11 млн. 559 минг 700 гектарни, бошқа турлардаги ерлар 4 млн. 760 минг гектарни ташкил қиласди.



1-расм. Қишлоқ хұжалиги ерларининг жами майдониганисбатан ер турларининг тақсимланиши.

Қишлоқ хұжалиги әхтиёжлари учун беріб қўйилган ёки ана шумақсадлар учун белгиланған ерлар қишлоқ хұжалиғига мұлжалланған ерлар ҳисобланади. Адир зонасидаги суғорилмай дәхқончилик қилинадиган ерлар эса лалмикор ерлар дейилади. Лалми дәхқончилик ўртаса йилликёңгарчилик 200 мм дан юқори бўлган ҳудудларда тарқалган. Тупроқдатабий намликни тўплаш ва уни сақлаш, ўғитлаш, бегона ўтларга қаршикураш, тупроқ эрозияси олдини олиш каби тадбирлар бу ҳудудларда кўпроқ қўлланилади. Лалмикор дәхқончилик суғориш учун нокулай бўлган ерлардағойдаланиш имконини берганлиги учун ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга. У, асосан, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Кавказорти тоғ олди ва воҳалари атрофларида тарқалган. Суғориш имконининг яратилиши билан Лалмикор ерлар суғориладиган дәхқончилик майдонларини кенгайтиришда катта захира ҳисобланади. Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида сув чиқарилгач, лалмикор ерларнинг катта майдонлари суғорма дәхқончилик ерларига айлантирилди.

Республика миқёсида лалми ерлар таҳлили

1-жадвал

Йиллар	Тегишли йилларнинг 1 январь ҳолатига ер майдонлари*						Жами
	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Самарқанд	Сурхондарё	Тошкент	
2002 й.	217,9	250,8	20,4	183,3	39,1	35,1	745,3
2003 й.	218,6	249,4	20,3	183	38,7	35,3	745
2006 й.	218,3	255,6	19,9	179,4	37,8	35	746

2007 й.	220,4	257,2	20,1	182,7	38,3	37	755, 7
2008 й.	221,2	257,3	20,1	182,4	40,1	36,8	757, 9
2009 й.	221,1	257,8	20,1	182,4	39,8	36,1	757, 3
2010 й.	221,1	257,7	20,2	182,4	39,8	36	757, 2
2011 й.	221,6	258,6	20,1	182	39,9	35,7	757, 9
2012 й.	221,5	258,5	20,1	182,1	39,9	35,4	757, 4
2013 й.	221,5	258,5	20,1	182	39,9	35,3	757, 3
2014 й.	221	258,5	20,1	182,2	39,9	35,1	756, 8
2015 й.	220,8	258,5	19,9	182,1	39,9	34,2	754, 4
2017 й.	220,4	258,7	19,8	182,9	39,9	34,2	755, 9
2018 й.	220,1	258,6	19,8	182,3	39,9	34	754, 7
2019 й.	224,4	258,5	19,8	182,1	39,5	33,3	757, 6
2020 й.	229,4	258,4	30,9	182,1	39,5	33,3	773, 6
2020 йилга нисба тан фарқ и(+;-)	11,5	7,6	10,5	-1,2	0,4	-1,8	28,3

Жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда Республика бўйича 2002- 2020 йил вақт оралиғида лалми ерлар майдони 28300 гектарга ошганлиги аниқланди. Хусусан Жizzах 11500, Қашқадарё 7600, Навоий 10500 ҳамда Сурхондарё вилоятида 400 гектарга ошганлиги, Самарқанд ҳамда Тошкентвилоятларида лалми ерлар камайиш ҳолатлари аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. 1998 йил 30 апрель. - 74 6.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги давлат кадастрлари палатасининг Миллий хисоботи. - Тошкент, 2021. - 87 б.
3. Р. Тураев, Р.Шаропов. – “Лалмиерлар мониторинги” Монография Тошкент - 2023
4. Р.Сиддиқов, М.Жўраев.-“Лалми ерларда бошоқли донэкинларини етишириш” Ўкув қўлланма-Жizzах 2017 й.;8-9 Б.